

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

УРМАНОВА МУНИСА НЕЗАМИДДИНОВНА

**СИЛЛИҚ ШИРИНМИЯ (GLYCYRRHIZA GLABRA L) УРУҒИДАН
КЎЧАТ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ ВА УНИНГ ТУПРОҚ
УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Урманова Муниса Незамиддиновна

Силлиқ ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L) уруғидан кўчат етиштириш
агротехникаси ва унинг тупроқ унумдорлигига таъсири.....3

Урманова Муниса Незамиддиновна

Агротехника возделывания саженцев из семян солодки голой (*Glycyrrhiza
glabra* L) и ее влияние на плодородие почвы.....21

Urmanova Munisa Nezamiddinovna

Agrotechnics of cultivation of seedlings from licorice seeds naked (*Glycyrrhiza
glabra* L) and its influence on soil fertility.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

УРМАНОВА МУНИСА НЕЗАМИДДИНОВНА

**СИЛЛИҚ ШИРИНМИЯ (GLYCYRRHIZA GLABRA L) УРУҒИДАН
КЎЧАТ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ ВА УНИНГ ТУПРОҚ
УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx147 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдалова Гулистон Нурановна**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Болтаев Сайдулла Махсудович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Камилов Бахтиёр Султонович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2019 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича доривор силлиқ ширинмия ўсимлиги 43,181 млн. гектар майдонда экилиб, биологик хомашё захираси 128,109 млн. тоннани ташкил этади. Бу ўсимликдан олинадиган маҳсулот табобатда, озиқ-овқат, косметика, енгил саноат тармоғида ҳамда кишлоқ хўжалигида кенг миқёсда фойдаланилади. «Жаҳон бозорида силлиқ ширинмия хомашёсига бўлган талабнинг катталиги туфайли унинг табиий ҳолдаги майдонлари камайиб кетган». Жумладан бу миқдор Озарбайжонда - 2200 га (умумий майдоннинг 3,6%), Қирғизистонда - 902 га (1,4%), Қозоқистонда - 27315 га (62,6 %), Россияда - 1763 га (2,9%), Туркменистонда - 10776 га (17,7%), Тожикистонда - 142 га (0,24%), Мўғилистонда - 2180 га (3,5%) майдонни ташкил этади¹.

Дунё мамлакатларида табиий ҳолдаги майдони камайиб бораётган силлиқ ширинмия хомашёсига бўлган талабни қондириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, маданий силлиқ ширинмия ўсимлигининг экин майдонларини кўпайтиришга доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда илмий асосланган алмашлаб экиш тизимлари орқали экинлардан экологик соф, мўл ва сифатли ҳосил олишга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар кўп бўлсада, бироқ силлиқ ширинмия ўсимлигининг уруғидан кўчат етиштириб кўпайтириш ҳамда ундан сўнг кузги буғдой экиш аҳамияти бўйича дунё ва мамлакатимизда етарли даражада ўрганилмаган.

Республикада суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, табиат бойликларидан, жумладан ўсимликлардан, уларнинг қадимдан мавжуд бўлган мувозанатини бузмай туриб, илмий асосланган технологияларга таянган ҳолда оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга, шунингдек силлиқ ширинмия экин майдонларини ресурстежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда кенгайтириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «.. кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда кишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»га² қаратилган зарур стратегик вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун силлиқ ширинмия уруғидан кўчат етиштиришда тупроққа ишлов бериш чуқурлиги, маъдан ўғитлар меъёри, суғориш

¹<http://agro.uz/uz/services/useful/4307>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

тартибларига боғлиқ ҳолда ўстириш ҳамда буларга издош экин сифатида экиладиган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш, натижаларини амалиётга кенг жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 майдаги ПҚ-2970-сон «Ўзбекистон Республикасида ширинмия илдизи етиштиришни ва уни саноатда қайта ишлашни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги № 63-сонли ва 2019 йил 15-февралдаги №138-сонли «Ўзбекистон Республикасида ширинмия (қизилмия) ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Силлиқ ширинмия уруғларидан кўчат етиштиришнинг биологик асосларини, уруғни экиш усуллари, схемалари, экиш муддатлари, кўчат қалинликларини О.А.Ашурметов, Тошкент вилояти шароитида силлиқ ширинмия уруғидан кўчат етиштириш ва ўстиришнинг биоэкологик асослари бўйича А.Ж.Қўзиев, Мирзачўл шароитида илдизпоя қаламчаларини экиш услублари ва муддатларининг оптимал шароитларини ўрганиш бўйича М.М.Бадалов, шўрланган тупроқлар шароитида ширинмия-ғўза алмашлаб экиш ва тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Н.Хайдаров ва С.Х.Нигматов Fabasea оиласи биохилма-хиллигини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича Ҳ.К. Қаршибоев тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Силлиқ ширинмияни тупроқ унумдорлигига таъсирини М.Мусурмонов, Э.Ахмедов, Б.Тўхтаев, Х.Камбаров ва бошқалар дала тажрибаларида ўрганганлар. Лекин силлиқ ширинмия ўсимлиги уруғидан кўчат етиштириш жараёнида тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғит меъёрларининг таъсирини, икки йиллик силлиқ ширинмия уруғ кўчатларини етиштиришда суғориш тартибларини самарадорлигини ҳамда уруғ кўчатларини тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқларининг таъсири ва сўнгги таъсирларига боғлиқ ҳолда кузги буғдойни суғориш тартиблари ва ўғит меъёрлари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД-7 «Ер, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш, ҳайдаладиган ерларда тупроқ унумдорлиги ва

мелиоратив жараёнларини бошқаришнинг экологик соф ва юқори самарадор технологияларини яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳавфсизлик муаммоларини ҳал этиш» (2005-2010 йй.) ҳамда ДИТД-9: «Тупроқлар экологиясини ўрганиш, унумдорлигини ошириш, экин навларини тадқиқ қилиш ва уларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2011-2015 йй.) мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида силлиқ ширинмия ўсимлигининг кўчат ва илдиз ҳосилини етиштиришда тупроққа ишлов бериш усуллари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартиблари, ширинмиянинг тупроқ унумдорлигига, шунингдек икки йиллик кўчатлардан кейин издош экин сифатида экилган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

силлиқ ширинмия ўсимлигининг уруғидан кўчат етиштиришда тупроққа ишлов бериш усуллари, суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрларини аниқлаш;

силлиқ ширинмия ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши, кўчат қалинлиги, яшил масса, пичан ҳамда тўрт йиллик илдиз ҳосилига тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг таъсирини аниқлаш;

уруғидан экилган икки йиллик силлиқ ширинмия кўчатларининг тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хоссалари ўзгаришига таъсирини аниқлаш;

икки йиллик силлиқ ширинмиядан кейин экилган кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёри таъсирини аниқлаш;

силлиқ ширинмия уруғидан кўчат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятидаги суғориладиган типик бўз тупроқ, силлиқ ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L), кузги буғдойни «Крошка» нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида силлиқ ширинмия уруғидан олинган кўчатлар ва кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичлар илдиз ва анғиз қолдиқлари, тупроққа ишлов бериш усуллари, тупроқ унумдорлиги, ўсимликларни суғориш ва озиклантириш меъёрларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибада барча кузатувлар, таҳлиллар ва ҳисоб-китоб ишлари умум қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Суғориладиган пахтачилик районларида агрохимёвий, агрофизик ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш услублари» ҳамда «Тупроқ ва ўсимликларда агрохимёвий таҳлил ўтказиш услублари» қўлланмалари бўйича олиб борилган. Тажрибаларда олинган ҳосил натижаларининг математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуги бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида силлик ширинмия ўсимлигининг икки йиллик кўчатларини тайёрлаш ҳамда силлик ширинмиянинг тўрт йиллик илдиз ҳосилига тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғит меъёрларининг таъсири аниқланган;

икки йиллик силлик ширинмия ўсимлигининг тупроқ унумдорлигига ва ундаги умумий ва ҳаракатчан озика моддалар миқдорига таъсири аниқланган;

силлик ширинмиянинг икки йиллик уруғ кўчатларини етиштиришда суғориш тартиблари ҳамда издош экин кузги буғдой ҳосилдорлигига суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларининг таъсири аниқланган;

силлик ширинмиянинг тўрт йиллик илдиз ҳосили ҳамда кузги буғдой етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида ўтказилган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда тўрт йиллик силлик ширинмия ўсимлигидан юқори ва давлат андозаларига мос келадиган (0-30 см) 26,7 т/га ва (30-50 см) да 32,6 т/га илдиз ҳосили олиш учун тупроқ 30-35 см чуқурликда шудгор қилиниб, $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилганда мақбул шароит яратилиши аниқланган;

силлик ширинмия ўсимлиги уруғ кўчатларини етиштиришда икки йилда ўртача яшил масса (99,1 т/га), пичан (38,2 т/га) ҳосилини нисбатан юқори миқдорларини олишда суғоришни ЧДНСга нисбатан 75-75-70% да ўтказиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

ўсимликни анғиз қолдиқлари 35,8 ц/га ни, илдиз қолдиқлари эса тупроқни 0-30 см ли қатламида 59,8 т/га ни, 30-50 см да 26,8 т/га ни, жами 122,8 т/га ни ташкил қилиши ва улар таркибида 32,9 кг/га азот борлиги кузатилган;

силлик ширинмия ўсимлигидан 4 йилда ўртача илдиз ҳосилини олишда нисбатан юқори шартли соф фойда 337300 сўм/гани, рентабеллик эса 33,7% ни ташкил қилиб, тупроқ кузда 30-35 см чуқурликда ҳайдалиб, маъдан ўғитлар $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинган;

силлик ширинмияни икки йиллик уруғ кўчатларидан кейин экилган кузги буғдойда юқори шартли соф фойда 293700 сўм/га ва рентабеллик даражаси 44,7% маъдан ўғитларни $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 75-75-70% бўлганда олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибаларини олиб боришда тасдиқланган услублардан фойдаланганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий натижаларга мос келганлиги, тажриба натижалари маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий

баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришда жорий этилганлиги, Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти силлиқ ширинмия ўсимлигининг уруғдан кўчат етиштириш агротехникаси, турли усулда тупроққа ишлов берилганлиги, ўғитлаш ва суғоришнинг мақбул меъёр ҳамда нисбатлари илмий асосланганлиги, тўрт йиллик силлиқ ширинмия илдиз ҳосилининг ортиши, икки йиллик силлиқ ширинмия кўчатларини етиштиришдан кейин экилган кузги буғдойдан сифатли дон ҳосили олиш ва тупроқ унумдорлиги яхшиланишининг назарий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўрт йиллик силлиқ ширинмия ўсимлигидан юқори ва давлат андозаларига мос илдиз ҳосили олиш учун тупроқ 30-35см шудгор қилиниб, минерал ўғитлар $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилганда, силлиқ ширинмиянинг икки йиллик уруғ кўчатларидан кейин экилган кузги буғдойга маъдан ўғитларни ҳар хил меъёрларини қўллаб, мақбул суғориш тартиби ва меъёрлари ишлаб чиқилиб жорий этилиши натижасида юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкет вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида силлиқ ширинмия уруғидан кўчат етиштириш агротехникаси, икки йиллик уруғ кўчатларидан кейин экилган кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишда маъдан ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун «Силлиқ ширинмия етиштириш» бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 02/020-236-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар Тошкент вилоятининг доривор ўсимликлар ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларда ширинмия уруғидан кўчат етиштириш ва ундан кейинги издош экинлар ҳосилдорлигини ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш учун қўлланма сифатида хизмат қилган;

икки ва тўрт йиллик силлиқ ширинмия ўсимлигини етиштириш ва унинг илдиз ҳосили ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш технологияси Тошкент вилояти Тошкент тумани типик бўз тупроқлари шароитида жами 12 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 02/020-236-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқни 30-35 см чуқурликда шудгор қилиш ва $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўллаш агротехникаси силлиқ ширинмия ўсимлигидан юқори ва давлат андозаларига мос келадиган илдиз ҳосили олиниши, унинг сўнгги таъсирларига боғлиқ ҳолда кузги буғдойдан назоратга нисбатан 8,4 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

уруғидан экилган икки йиллик силлиқ ширинмия кўчатлари Жиззах вилояти Зарбдор тумани ҳудудига кўчирилиб 5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 02/020-236-сонли маълумотномаси). Натижада кўчатларнинг кўкариб, ривожланиши ушбу ҳудуддаги илдизпоя ва уруғдан ўстирилаётган силлиқ ширинмия ўсимлигига нисбатан 85-95% яшовчанликка эга бўлган кўчатлар олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар университетнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, маҳаллий нашрларда 2 та, хорижий нашрларда 1 та мақола чоп этилиб, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Силлиқ ширинмия ва издош экин сифатида кузги буғдой етиштириш бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, изланишларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда силлиқ ширинмиядан давлат андозаларига тўғри келадиган илдиз ҳосили етиштиришда турли тупроқ-иклим шароитларида экиш муддатлари, суғориш тартиблари ҳамда кузги буғдойни маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан олинган натижа, хулоса ва фикрлар баён этилган.

Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлар шароитида 4 йиллик силлиқ ширинмиядан давлат андозаларига тўғри келадиган илдиз ҳосили олиш ва 2 йиллик силлиқ ширинмиядан сўнг экилган кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш борасида экиш муддатлари, суғориш тартиблари ҳамда кузги буғдойни маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса ва таклифлар баён этилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Дала тажрибалари ТошДАУ нинг Қибрай туманидаги илмий - тадқиқот ўқув-тажриба станциясида олиб борилган. 1-тажрибада 3 та вариант бўйича (тупроққа ишлов бериш усуллари) маъдан ўғитлар меъёри бўйича 9 та вариант қўлланилган. Тажрибанинг умумий майдони жами 2592 м² ни ташкил қилиши кўрсатиб ўтилган.

2-тажрибада силлиқ ширинмияни суғориш тартиблари бўйича 3 та қайтариқ 3 та вариант назорат билан 4 та. Силлиқ ширинмиядан сўнг буғдой экилган тажриба 12 та вариантни ташкил қилган. Тажрибалар ўтказилган ер майдони ўртасида 1 м кенгликда ҳимоя зонаси қолдирилган.

Силлиқ ширинмия ўсимлигини уруғларидан кўчатлар етиштиришда, уларни ўсиш ва ривожланишини аниқлашда М.М. Бадаловнинг “Қизил мияни уруғидан кўпайтириш бўйича тавсия”сидан фойдаланилган. Силлиқ ширинмияда ўтказилган фенологик кузатувлар ўсимликларни ер ости қисмларини ўрганиш, уруғ ҳосилдорлигини аниқлаш О.А.Ашурметов усулида олиб борилган.

Тупроқдаги агрохимёвий таҳлилларда: тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко, алмашинувчан калий миқдори В.П.Протасов усулларида аниқланганлиги баён қилинган. Амал даври давомида тупроқнинг суғориш олди намлиги кузатилиб, суғориш тартиби ва ЧДНСга нисбатан таққосланган ҳолда суғорилган. Суғориш меъёрлари 0,5 м кенгликдаги (оқава сув 0,25 м кенгликда) Чипполетти сув ўлчагичлари ёрдамида аниқланган.

Силлиқ ширинмияни ер усти яшил массаси ва кўчат ҳосили ҳамда кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилини такрорлашлар бўйича ҳамма вариантларда аниқланган. Бунда ҳар бир делянканинг 3 нуқтасидан (1м²) намуналар олиниб, 1 га ҳисобига айлантирилган. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотларни аниқлиги ва ишончлилиги Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг дисперсион усули билан математик-статистик таҳлил қилинган. Сарфланган харажатлар ва олинган соф даромад «Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научных исследований» услубидан фойдаланилган ҳолда ҳисобланган.

Диссертациянинг “Тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг силлиқ ширинмия ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва тупроқ унумдорлигига таъсири” деб номланган учинчи бобида силлиқ ширинмиянинг ўсиш ва ривожланиш даражасига қўлланилган агротехник тадбирларни таъсири изланиш йиллари бўйича алоҳида баён қилинган. Изланишларни биринчи (2008) йилида 1 июнда ўтказилган фенологик кузатувлар натижаларига кўра тупроқ 10-15 см чуқурликда чизелланиб, ўғитлар $N_{40}P_{60}K_{80}$ кг/га, $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га ҳамда $N_{100}P_{120}K_{140}$ кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларда ўсимлик баландлиги мутаносиб равишда 7,6; 7,8; 7,6 см га, шудгорлаш 20-22 см чуқурликда ҳайдаш орқали ўтказилган вариантларда ўғит меъёрларига мутаносиб равишда 7,8; 7,9 ва 8,6 см ни ва кузги шудгор 30-35 см чуқурликда ўтказилганда эса 8,9; 9,5 ва 9,6 см ни ташкил қилган. Ширинмия ўсимлигини ривожланишининг дастлабки даврлариданок тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғитлар меъёрларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилган. Силлиқ ширинмия ўсимлигини биринчи йил амал даври охиридаги ҳақиқий кўчат қалинликлари 700,0 - 735,0 минг/га атрофида бўлганлиги ва вариантлар орасида унчалик катта фарқланмаганлиги қайд қилинган.

Изланишларнинг 2-йилида (2009) силлиқ ширинмия ўсимлигини ўсиш жадаллиги 1-йилга нисбатан юқори кўрсаткичлар тупроқ 30-35 см чуқурликда шудгор қилинган вариантларда кузатилган, бу ҳолатда ўсимликнинг илдиз тизимининг ривожланишини тупроққа тўғри ишлов берилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўсимликнинг баландлиги ўғит меъёрларига мутаносиб равишда 110,8; 115,8 ва 114,1 см ни, поя диаметри 6,9; 7,4; 7,0 мм ни, барглар сони 22,1; 24,0; 22,3 донани, новда сони 21,3; 22,4; 21,1 донани, узунликлари 21,8; 22,5; 20,5 см ни ҳамда барглар сони 14,5; 15,0 14,1 донани ташкил қилган ҳолда нисбатан юқори кўрсаткичлар $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда кузатилган. Изланишларнинг 3-4 йилларида ҳам, ҳаттоки маъдан ўғитларни қўлланилмай, аввалги меъёрларини сўнгги таъсирларидан силлиқ ширинмия ўсимлигини мақбул ўсиш ва ривожланиши тупроқ дастлаб (2009 йилда) кузги шудгорда 30-35 см чуқурликда ҳайдалган вариантларда кузатилган ва пояни баландлиги (ўримлар олдидан) 122,5-139,8 см ни, диаметри 7,9-11,8 мм ни, барглар сони 22,8-22,9 донани, узунлиги 22,5-19,9 см ни ва барглар сони 15,8-15,9 донани ташкил қилган.


Тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда изланиш йиллари бўйича олинган силлиқ ширинмия ўсимлигининг яшил масса ва пичан ҳосили аниқланган. Унга кўра вариантлар орасидаги юқори кўрсаткич 30-35 см чуқурликда ҳайдалиб, маъдан ўғитлари $N_{40}P_{60}K_{80}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олиниб, яшил масса ва пичан ҳосили мутаносиб равишда 315,4 ва 121,7 ц/га ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар шу ўғит меъёрларида тупроқни чизеллаш ўтказилган вариантга нисбатан 51,5 ва 19, 9 ц/га кўп эканлиги кузатилган (1- расм).

Маъдан ўғитлари $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилган 8 вариантда яшил масса ва пичан ҳосили 344,7 ва 133,1 ц/га ни ташкил қилиб, $N_{40}P_{60}K_{80}$

кг/га қўлланилганга нисбатан 29,3 ва 11,3 ц/га ортганлиги аниқланган. Маъдан ўғитлар янада юқорирак N₁₀₀P₁₂₀K₁₄₀ кг/га қўлланилган 9 вариантда бу кўрсаткичлар 1,0 ва 0,6 ц/га ни ташкил қилган.

Силлиқ ширинмия ўсимлигининг илдиз ҳосилини йиғиштиришда давлат андозаларига мос келадиганлари ажратиб олинган, бунда 16,6 п/м майдондан олинганлари 6-7 донани ташкил қилганлиги учун гектар ҳисобида 70-80 минг тупга тўғри келган. Тупроққа чизеллаш орқали 10-15 см чуқурликда ишлов берилиб, экилган ширинмия ўсимлигида N₄₀P₆₀K₈₀ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда уч қайтариқда ўртача бир ўсимликда илдиз ҳосили куруқ ҳолда 233,1 г ни (0-30 см), 30-50 см да эса 320,4 г ни (22,5-25,1 т/га) ташкил қилган ва илдиз ҳосилининг асосий қисми 0-30 см дан йиғиштириб олинганлиги баён қилинган.

Маъдан ўғитлари N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га меъёрда қўлланилган 2 вариантда илдиз ҳосили тупроқ қатламларига мутаносиб равишда 248,2 ва 367,2 г ни (24,0-28,8 т/га) ташкил қилган ёки биринчи вариантга нисбатан 15,1 ва 46,8 г (1,5-3,7 т/га) ортиқча бўлган, ўғит меъёри янада N₁₀₀P₁₂₀K₁₄₀ кг/га оширилганда бу кўрсаткичлар 258,8 ва 368,1 гр ни (24,9-28,5 т/га) ташкил қилган, 1 – вариантга нисбатан 25,7 ва 47,7 г га (2,4-3,4 т/га) 2 - вариантга нисбатан эса 10,6 ва 0,9 г га (0,9-0,5 т/га) фарқланган.




1-расм. Тупроққа ишлов бериш усуллари ва ўғит меъёрининг силлиқ ширинмия ўсимлигининг 4 йиллик ўртача яшил масса ва пичан ҳосилига таъсири, ц/га

Ўғитларнинг мақбул қўллаш меъёри N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га эканлиги аниқланган, бу ҳолат тупроққа ишлов беришнинг бошқа усулларида ҳам сақланиб қолиб, 20-22 см чуқурликда ҳайдалган ва ўғит миқдори оширилган 5-вариантда 1 та ўсимликнинг ўртача куруқ ҳолдаги илдиз ҳосили тупроқ қатламларига мутаносиб равишда 260,7 ва 392,5 г ни (25,1-30,0 т/га) ташкил қилган. Ушбу вариантларда илдиз ҳосили ошган бўлса, тупроққа шу усулда ишлов бериб, N₄₀P₆₀K₈₀ кг/га меъёрда қўлланилган 4-вариантдан 20,3 ва 22,4 г/га, чизеллаш ўтказиб, ўғитлар мақбул меъёрда қўлланилган 2-вариантга нисбатан эса 12,5 ва 25,3 г/га (1,1-1,2 т/га) ортиқча бўлганлиги баён қилинган.

Тажрибада энг юқори натижалар тупроқ 30-35 см чуқурликда ҳайдалиб, N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га меъёрида қўлланилган вариантлардан олинган ва бир ўсимликда 276,1 ва 418,4 г/ни, 1 га майдонда эса 26,7 ва 32,8 тоннани ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган (2-расм).

Силлиқ ширинмия иллизининг фитокимёвий таркиби ичида энг муҳим саналадиган глицирзин кислотаси, флаваноид моддалар, экстрактив моддалар бўлиб, ўғитлар N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда бу моддалар мос равишда 6,95 %, 2,01% ва 39,95% ни ташкил қилган ёки 1-вариантаникига нисбатан 0,15%, 0,06 ва 0,45% юқори бўлган. Ўғитлар меъёри N₁₀₀P₁₂₀K₁₄₀ кг/га қўлланилганда бу кўрсаткичлар бироз бўлсада камайганлиги, лекин 1-вариантга нисбатан эса 0,10; 0,05 ва 0,00% ортганлиги кузатилган. Тупроққа ишлов бериш усули ўзгаришига қарамай (20-22 см га ҳайдалиши) ўғит меъёрларидан қатъий назар юқоридаги кўрсаткичларнинг ортиши кузатилган. Бунда глицирзин кислота, экстрактив модда ва флаваноидлар йиғиндиси ўғит меъёрларига мутаносиб равишда 0,65; 0,75; 0,70 %; 0,10; 0,03; 1,0 ва 0,10; 0,14; 0,10 % га юқори бўлган.



2-расм.Тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг силлиқ ширинмия ўсимлигининг иллиз ҳосилига таъсири, 2011й. (қуруқ ҳолда, т/га ҳисобида).

Вариантлар орасида нисбатан мақбул кўрсаткичлар тупроқ 30 - 35 см чуқурликда ҳайдалиб, N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га меъёрида қўлланилганда олинди ва глицирзин кислота миқдори 7,81% ни, экстрактив моддалар 40,15% ни, флаваноидлар эса 2,23 % ни ташкил қилган ҳолда 7-вариантга нисбатан бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 0,81%, 0,65 ва 0,23% га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда силлиқ ширинмия ўсимлигини озиқавийлик хусусиятлари, яъни пичан маҳсулдорлигини ўзгаришига тупроққа ишлов бериш усуллари ва маъдан ўғитлар меъёрининг таъсири аниқланган.

2009-йил шароитида тупроқ 10-15 см чуқурликда чизелланиб, N₄₀P₆₀K₈₀ кг/га қўлланилган (1) вариантда пичан таркибидаги протеин миқдори - 15,8; ёғ миқдори - 15,0 клетчатка - 24,0; АЭМ - 28,0; кул - 68,0 ва Са миқдори - 1,70 % ни ташкил қилган ҳолда маъдан ўғитлар N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га меъёрда қўлланилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 17,0; 15,8; 24,9; 29,0; 7,8 ва 1,78% ни ташкил қилган.

Маъдан ўғитлар меъёри N₁₀₀P₁₂₀K₁₄₀ кг/га ортиши билан юқоридаги кўрсаткичларининг айримлари бироз бўлсада камайганлиги кузатилган. Нисбатан юқори кўрсаткичлар маъдан ўғитларни N₇₀P₉₀K₁₁₀ кг/га меъёрда

қўлланилган вариантда протеин миқдори - 18,50 %, кул - 8,93 % ва Са элементи -2,20 % ни ташкил қилган ҳолда, $N_{40}P_{60}K_{80}$ кг/га қўлланилган вариантга нисбатан тегишлича 0,50 %; 0,17 ва 0,20% кўпроқ, шунингдек шу ўғитлар ($N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га) меъёридаги 2- ва 5-вариантларнинг кўрсаткичларига нисбатан 1,50 ва 0,70 %; 1,23 ва 0,73 %; 0,42 ва 0,20% юқори бўлганлиги аниқланган.

Тўрт йиллик ширинмия ўсимлигининг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқларини тупроқ унумдорлигини ўзгаришига бўлган таъсири ўғит меъёрлари ва тупроққа ишлов бериш усулларига боғлиқ ҳолда ўрганилган.

Тажрибани бошлашдан аввал тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см ли қатламларидаги умумий гумус миқдори 1,010 ва 0,998% ни, азот 0,100-0,098; фосфор - 0,164-0,095 ва калий 1,850-1,080 % ҳамда $N-NO_3$ 17,5-11,3 мг/кг ни ташкил қилган бўлса тупроқ 10-15 см чуқурликда чизелланиб маъдан ўғитлари икки йил давомида $N_{40}P_{60}K_{80}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантда тажриба охирида тупроқнинг юқори қатламларидаги гумус миқдори 1,025-1,015% ни азот - 0,110-0,108; фосфор - 0,170-0,098%; калий -1,750 - 0,900% ва $N-NO_3$ 27,5-12,8 мг/кг ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар дастлабки (2007) ҳолатидан 0,015 - 0,017 %; 0,010 - 0,010 % ва 0,004 - 0,003 % ортганлиги, лекин умумий калий - 0,100 - 0,100% га камайганлиги $N-NO_3$ миқдори эса дастлабкисидан 10,0 - 1,5 мг/кг кўпайганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Суғориш тартибларининг силлиқ ширинмия ўсимлиги уруғ кўчатларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида суғориш тартиблари нафақат пояни баландроқ ўсишига, қолаверса уни қалинлигига ҳам таъсир кўрсатдики, намлик юқорироқ бўлган вариантларда поя баландроқ, лекин ингичкароқ бўлиб шаклланганлиги ва суғориш тартибларига мутаносиб равишда 5,0; 5,6 ва 5,2 см ни ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган. Барглар сони ҳам шу суғориш тартибида (80-80-75%) кўпроқ бўлиб 15,1 донани ташкил қилган. Поядаги новдалар сони 12,8; 12,5 ва 10,5 донани, узунлиги 8,8; 8,2 ва 6,8 см ни, барглар сони эса 6,5; 6,2; 6,0 донани ташкил қилган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-65% дан 75-75-70% ва 80-80-75% га ортиши билан ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишида ўзгариш кузатилган, нисбатан мақбул кўрсаткичлар тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлган вариантлардан олинган. Бу ҳолат эса яшил масса ва пичан ҳосилида ҳам қайд қилинган. 2008 йил шароитида силлиқ ширинмияни ҳақиқий кўчат қалинликлари вариантлар бўйича 698,1-701,2 минг/га атрофида, 2009-йилда эса ён поялари униб чиқиш ҳисобига кўчат қалинлиги 1280,0-1300,0 минг/га атрофида бўлган. Барча қонуниятлар сақланган ҳолда ўсимликни ўриш олдидан баландлиги суғориш тартибларига мутаносиб равишда 110,8; 100,8 ва 93,4 см ни ташкил қилинган. Юқори натижалар силлиқ ширинмияни ЧДНСга нисбатан 75-75-70% тартибда суғорилган вариантлардан олинган.

Суғориш тартиблари 75-75-70% ва 70-70-65% бўлган вариантларда яшил масса ҳосили 69,5 ва 60,1 ц/га ни ташкил қилган. 2009 йил шароитида силлиқ ширинмия ўсимлигининг яшил масса ҳосили вариантлар бўйича ўртача 128,5;

128,8 ва 122,3 ц/га ни ташкил қилган ҳолда 2008 йилдагига нисбатан 59,4 59,3 ва 62,7 ц/га ёки икки марта кўпроқ бўлгани, бу ўсимликнинг биологик хусусиятларига боғлиқ эканлиги қайд этилган (1-жадвал).

Силлиқ ширинмия ўсимлигининг суғориш тартиблари 2008-2009 йилларда аниқланган. Бу тажриба тугагач 2010-2011 йиллари шу далада суғориш тартиблари ва ўғитлар меъёрини кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Силлиқ ширинмия ўсимлигини суғориш меъёрларини белгилашда мураккаб барг ҳосил қилгунча, гуллагунча ва пишиш даврлари, кузги буғдойда эса тупланиш, найчалаш ва сут-мум пишиш даврлари ҳисобга олинган ва тупрокни намлаш қатламлари қалинлиги 0-50; 0-70 ва 0-50 см ни ташкил қилган. Силлиқ ширинмия ўсимлигида ҳам, кузги буғдойда ҳам суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-75% бўлган вариантларда суғориш меъёрлари 700,8-910,5 ва 560,4 - 729,5 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёрлари 3871,5 - 3848,3 ва 3349,9 - 3258,2 м³/га ни ташкил қилган.

1-жадвал

Суғориш тартибларини силлиқ ширинмиянинг яшил масса ва пичан ҳосилига таъсири ц/га.

Вариант тартиби	Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан % ҳисобида	Яшил масса		Ўрғача 2 йилда	Пичан		Ўрғача 2 йилда
		2008	2009		2008	2009	
2-4	80-80-75	69,1	128,5	98,8	26,5	49,0	37,7
6-8	75-75-70	69,5	128,8	99,1	27,0	49,4	38,2
10-12	70-70-65	60,1	122,3	91,2	23,8	46,5	35,0

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлган вариантларда суғориш меъёрлари бироз ортиб 725,5 - 1110,5 ва 612,8 - 923,0 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёрлари 3811,6 -3817,2 ва 3164,7 - 3179,8 м³/га га тенг бўлди.

Диссертациянинг “Силлиқ ширинмияни суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган бешинчи бобида силлиқ ширинмия уруғидан кўчатлар етиштирилган далада, унинг тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқларининг кузги буғдойнинг униб чиқиш даражасига таъсири, кўчат қалинлиги, умумий ҳамда махсулдор поялар, бир бошокдаги дон сони, вазни, 1000 дон дон оғирлиги, сифат кўрсаткичлари ва дон ҳосилдорлигига, тупроқ унумдорлигини ўзгаришига таъсири (2011) маълумотлари баён қилинган.

2010-йили кузги буғдой уруғлари 15-октябрда экилгач, кузатувлар 7 кундан сўнг (22.10 да) бошланиб, ҳар 3 кунда давом эттирилган. Назорат (1)

вариантда (икки йил давомида кузги буғдойдан олдин экин экилмаган) кузатув муддатларига мутаносиб равишда уруғлар униб чиқиши 17,5; 20,5; 48,1; 66,1; 90,5% ни ташкил қилган ҳолда 2-вариантда бу кўрсаткичлар (силлиқ ширинмиянинг барг, поя ва илдиз қолдиқлари таъсирида) 0,6; 0,7; 2,0; 2,0 ва 1,8% юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Худди шундай кўрсаткичлар бошқа барча суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларида ҳам олинган. 2011 - йил шароитида кузги буғдой уруғлари 17.10 да экилиб, 24.10 да кузатув бошланди ва муддатларга мутаносиб равишда кўрсаткичлар 18,9; 26,5; 46,1; 65,1 ва 91,2 % ни (назоратда) ташкил қилган бўлса, суғориш тартибларидан катъий назар нисбатан юқори кўрсаткич силлиқ ширинмия ўсимлигини сўнги таъсирида $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га ўғитлар қўлланилган вариантларда олинган ва 20,5; 28,8; 48,2; 67,4; 92,8 % ни ташкил қилиб назоратдан 1,6; 3,2; 2,1; 2,3; 0,6 % га юқори бўлган.

Демак, кузги буғдой уруғларининг униб чиқиш даражаси силлиқ ширинмиянинг қисман ер устки қисмлари ва илдиз қолдиқларининг таъсири ҳамда ўғитлар меъёрининг таъсирига боғлиқлиги аниқланган.

2010 - йил шароитида суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-75 % қилиб, ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрида қўлланилган 1-вариантда амал даври бошида кузги буғдойнинг кўчат қалинлиги 340,1 м²/донани ташкил қилган ҳолда, $N_{150}P_{100}K_{70}$ кг/га қўлланилган вариантда олиниб, кўчат нисбатан қалинроқ бўлди ва 335,6 м²/донани ташкил қилган. Қишловдан кейин эса бу маълумотлар мутаносиб равишда 299,1 ва 304,1 м²/донани ташкил қилиб, нобуд бўлганлар миқдори 9,7 ва 9,0 % га тенг бўлган. Амал даври охирида эса 285,1 ва 295,6 м²/донани ташкил қилганлиги баён қилинган. Изланишларда 2010-йил шароитида кузги буғдойнинг қишлош даражасига фақат аввалги экин таъсири бўлганлиги аниқланган. Суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларининг таъсири деярли сезилмади.

Суғориш тартиби 80-80-75% маъдан ўғитларнинг меъёрларига боғлиқ ҳолда кузги буғдойни сут-мум ва тўла пишиш даврларида баландлиги 90,5; 89,4; 88,1 см ва 98,4; 91,2; 92,1 см ни ташкил қилган. Бунда нисбатан юқори кўрсаткич маъдан ўғитлари $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га миқдорларда қўлланилганда кузатилиб, назоратдан 10 см юқори бўлган. Бу вариантда умумий поялар сонинг 530,5 мг/донани ташкил қилиб, назоратдан 30,4 ва 33,8 мг/донага юқори бўлди. Кузги буғдойни энг баланд бўйи (98,4 см) суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 80-80-75% ва ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинган бўлса ҳам, маҳсулдор поялар сонини кўплиги ўғитларни шу меъёрларда, лекин суғоришлар ЧДНСга нисбатан 75-75-70% га ўтказилган (6) вариантда олинган. 1-йили ўғит меъёрлари $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, 2-йили эса $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда қўлланилса ва суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 75-75-70% қилиб белгиланса, кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши ҳамда бошоғининг сифатлари яхшиланиши учун мақбул шароит яратилганлиги баён қилинган.

Тадқиқот натижалари асосида силлиқ ширинмия ўсимлигининг таъсирида ўғитларни камроқ миқдорларда қўлланилганда юқори самара

олинган. Бу (6) вариантнинг кўрсаткичи (57,6 ц/га) назоратдан 8,3 ц/га, суғориш тартиблари 80-80-75% ва 70-70-65% бўлиб, ўғитлар эквивалент миқдорда қўлланилган вариантлар кўрсаткичидан эса 1,1 ва 3,6 ц/га юқорилиги кўрсатиб ўтилган. Ширинмия ўсимлигининг тупроқда қолдирган қолдиқларининг таъсирида 1-йил ўғитларни $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, сўнгги таъсирида эса $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрлари самаралироқ эканлиги аниқланган. 2 йилда ўртача олинган дон ҳосилига нисбатан барча вариантларда шу жумладан назоратда ҳам нисбатан юқори дон ҳосиллари суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлганда олинган. Ўғитлар меъёри бўйича юқори дон ҳосили (55,8 ц/га) $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинган. Кўшимчаси назоратга нисбатан ўғитдан (1,5 ц/га) силлиқ ширинмиянинг таъсири ва сўнгги таъсирларидан 7,5 ц/га ҳамда суғориш тартибларида 5,1 ц/га ни ташкил қилганлиги кўрсатилган.

Дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорлари бўйича ҳам нисбатан юқори кўрсаткичлар суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 75-75-70 % бўлиб, ўғитлар (1-йили) $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га ва (2-йили) $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда олинди ва 15,0% ва 0,86 тонна; 28,0% ва 1,8 тонна (2010 й.) ҳамда 14,8 ва 0,84 тонна; 28,2% ва 1,3 тоннага (2011 й.) тенг бўлган.

2 йиллик силлиқ ширинмия уруғ кўчатлари йиғиштириб олинган, тупроқда қолган қолдиқлари ва маъдан ўғитлар маъерининг кузги буғдойдан кейин тупроқ унумдорлиги (суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда) ўзгариши кузатилганда, суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлган ва $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда (6-вариант) чиринди миқдори тупроқ қатламларига мутаносиб равишда 0,920 - 0,096 % ни, умумий азот 0,130 - 0,099; фосфор 0,176 - 0,096 ва калий эса 1,810 - 0,990 % ни ташкил қилди ва бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 0,118 -0,008; 0,040 - 0,001; 0,007 - 0,001 ва 0,110 - 0,010% га, дастлабки ҳолатидан эса 0,028 - 0,000; 0,030 - 0,001; 0,016 - 0,001% га ортганлиги, лекин умумий калий миқдори 0,040 - 0,010% га камайганлиги аниқланган. Бизнинг назаримизда умумий калийнинг тупроқдаги миқдори камайганлигининг асосий сабаби, силлиқ ширинмия ўсимлигининг бу озиқа унсурига талаби юқори эканлигидадир.

Диссертациянинг **“Силлиқ ширинмия ва буғдойда қўлланилган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган олтинчи бобида силлиқ ширинмия ва кузги буғдой бўйича бир гектар майдонга сарфланган харажатлар, етиштирилган маҳсулотнинг ялпи баҳоси, ўртача илдиз ҳосили ва етиштирилган 1 ц дон таннархи, 1 гектардан олинган шартли соф фойда, рентабеллик даражаси ўрганилганлиги ёритилган.

Айтиш жоизки, силлиқ ширинмия ўсимлигининг биологик кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда бир далада 4 йил давомида ўстирганлиги боис илдиз ҳосили 2011 йилда йиғиб олинган.

Тупроққа ишлов бериш усули 20-22 см чуқурликда ҳайдаш орқали ўтказилган вариантларда олинган шартли соф фойда ва рентабеллик чизеллаш (10-15 см) ўтказилган вариантлардаги ўғит меъёрларига мутаносиб

равишда 62800; 39600; 20639 сўм га ва 3,7; 3,3; 0,6 % га юқори бўлган. Бу тажрибада нисбатан юқори шартли соф фойда 337300 сўм/га ва рентабеллик даражаси 33,7 % ер кузги шудгорда 30-35 см чуқурликда ҳайдалиб, маъдан ўғитлари $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинган.

Силлиқ ширинмияни 2 йиллик уруғ кўчатларидан сўнг экилган кузги буғдойнинг иқтисодий самарадорлиги суғориш тартиблари ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўрганилди. Кейинги 2 йилда суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланиб, назорат вариантларига нисбатан юқори шартли соф фойда суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлганда олинди, 144000 сўм/га ни, рентабеллик эса 20,5% ни ташкил қилган.

Демак, фақат буғдой экилса ҳам яхши иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги аниқланди. Буғдойдан аввал силлиқ ширинмия ўсимлиги экилганда, иқтисодий самарадорлик янада ортиши кузатилган. Қўлланилган маъдан ўғитлар меъёридан катъий назар нисбатан юқори иқтисодий самарадорлик суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлган вариантларда аниқланди. Бунда маъдан ўғитлар меъёрига мутаносиб равишда шартли соф фойда 293700; 275250 ва 236150 сўм/га ни, рентабеллик эса 44,7; 39,2 ва 32,1 фоизни ташкил қилганлиги баён қилинган.

Кузги буғдойни иккинчи (2011) йилдаги юқори ҳосили маъдан ўғитларини $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда олинганлигига қарамай, шартли соф фойда 2 йил давомида $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда олинди ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га га нисбатан 18450 сўм/га, рентабиллик эса 5,5 фоизга юқорироқ бўлган.

ХУЛОСАЛАР

1. Дунё миқёсида камайиб бораётган силлиқ ширинмия ўсимлигини уруғидан кўпайтириш орқали унинг таъсири ва сўнгги таъсирларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда издош экинлардан барқарор ҳосил олиш учун Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимларига киритиш мумкинлиги аниқланди.

2. Уруғдан экилган 4 йиллик силлиқ ширинмия ўсимлигидан юқори ва давлат андозаларига мос келадиган (0-30см) 26,7 т/га ва (30-50 см) да 32,6 т/га, илдиз ҳосили олиш учун мақбул шароит тупроқ 30-35 см чуқурликда шудгор қилиниб, маъдан ўғитлар $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилганда яратилди.

3. Силлиқ ширинмия ўсимлигини уруғидан экилган кўчатларини етиштиришда икки йилда ўртача яшил масса (99,1 т/га) ва пичан (38,2 т/га) ҳосилини нисбатан юқори миқдорларини олишда суғориш ЧДНСга нисбатан 75-75-70 фоизда ўтказиш кераклиги қайд этилди. Уруғидан экиб ўстирилган 2 йиллик давлат андозаларига мос келадиган силлиқ ширинмия кўчатлари даладан кўчириб олингандан сўнг, тупроқда сақланиб қолган қолдиқлари 35,8 ц/га ни, қисман илдиз қолдиқлари эса тупроқни 0-30 см ли қатламида

59,8 т/га ни, 30-50 см да 26,8 т/га ни, жами 122,8 т/га ни ташкил қилиб, улар таркибида 32,9 кг/га азот борлиги аниқланди.

4. Суғориш тартибларидан қатъий назар фақат буғдой экилган вариантларда тупроқдаги чиринди дастлабки ҳолатидан (1,010%) 0,092% га камайганлиги аниқланди. Нисбатан юқори кўрсаткичлар кузги буғдой силлиқ ширинмияни 2 йиллик уруғ кўчатлари етиштирилгандан кейин экилиб, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлиб, маъдан ўғитлари $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилганда олинди ва 1,038% ни ташкил қилган ҳолда назоратдан 0,118%, дастлабки ҳолатидан эса 0,028 фоизга юқори бўлди.

5. Нисбатан юқори кўрсаткичлар икки йиллик силлиқ ширинмия кўчатлари олингандан сўнг экилган кузги буғдойда суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 75-75-70% бўлиб, ўғитлар биринчи йили $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, иккинчи йили эса $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинди ва 57,6 - 53,9 ц /га ни, ташкил қилган бўлса, ўртача икки йиллида 55,8 ц/га ўғитларни $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларида олинди. Бунда кўшимча дон ҳосили силлиқ ширинмия экинидан 7,5 ц/га, ўғитдан 1,5 ц/га ва суғориш тартибидан 5,1 ц/га ни ташкил қилди.

6. Силлиқ ширинмиянинг 2 йиллик уруғ кўчатларидан кейин экилган кузги буғдойда маъдан ўғитлари $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлганда амал даври охирида анғиз ва илдиз қолдиқлари 36,3 ц/га ни ташкил қилиб, таркибида 1,600% умумий азот, 1,280% фосфор ва 2,100% калий борлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан мутаносиб равишда 0,310; 0,450 ва 0,290% юқори бўлди.

7. Силлиқ ширинмия ўсимлигининг 4 йиллик ўртача илдиз ҳосилини олишда нисбатан юқори шартли соф фойда 337300 сўм/га ва рентабеллик 33,7% тупроқ кузги шудгорда 30-35 см чуқурликда ҳайдалиб, маъдан ўғитлар $N_{70}P_{90},K_{110}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинди. Силлиқ ширинмияни 2 йиллик уруғ кўчатларидан кейин экилган кузги буғдойда (2 йилда ўртача) юқори шартли соф фойда 293700 сўм/га ва рентабеллик эса 44,7 фоиз маъдан ўғитлари $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, суғориш тартиблари ЧДНС дан 75-75-70% бўлганда олинди.

8. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида силлиқ ширинмия уруғидан икки йиллик кўчатлар етиштириш ва тўрт йиллик ўсимликлардан юқори илдиз ҳосили олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун тупроқни 30-35 см чуқурликда ҳайдаб, маъдан ўғитларни $N_{70}P_{90}K_{110}$ кг/га меъёрида қўллаш;

силлиқ ширинмия ўсимлигининг 2 йиллик уруғ кўчатларини етиштиришда суғориш тартибларини ЧДНСга нисбатан 75-75-70% бўлиши ва ундан кейинги издош экин кузги буғдойдан юқори дон ҳосили олиш учун эса суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 75-75-70% бўлиб, маъдан ўғитларни $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УРМАНОВА МУНИСА НЕЗАМЕДДИНОВНА

**АГРОТЕХНИКА ВОЗДЕЛЫВАНИЯ САЖЕНЦЕВ ИЗ СЕМЯН
СОЛОДКИ ГОЛОЙ (GLYCYRRHIZA GLABRA L) И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА
ПЛОДОРОДИЕ ПОЧВЫ**

06.01.01 – Общее земледелие Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Qx147

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

- Научный руководитель:** **Абдалова Гулистан Нурановна**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
- Официальные оппоненты:** **Балтаев Сайдулла Махсудович**
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
- Камилов Бахтияр Султанович**
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
- Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт Растениеводства**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка. Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, СГМ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ.Тел.: (+99895) 1422235, факс (+99871)150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка (зарегистрирована за № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, СГМ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.: (+99895) 142-22-35, факс (+99871)150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(протокол рассылки от «___» _____ 2019 года.)

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

